

КЎП ТАРМОҚЛИ ФАО ТИЗИМИ ЎСИМЛИКЛАР АГРОБИОХИЛМАХИЛЛИГИ ДОИРАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИНГ БОШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Буриев Х.Ч., Аликулов С.М.

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Мақолада кўп тармоқли ФАО тизими ўсимликлар агробиохилмахиллиги доирасида ҳамкорлик қилишнинг бош механизми сифатидаги қимматли маълумотлар чуқур илмий таҳлил қилингандан ҳолда келтирилган.

Калит сўзлар: ФАО, агробиохилмахиллик, озиқ-овқат, генетик ресурслар, барқарор фойдаланиш.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги учун ўсимликлар генетик ресурсларидан фойдаланиш ва улардан фойдаланишдан тенг даромад олиш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик тизими (КХТ) ФАО Халқаро битимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Битимнинг асосий қоидалари, уларнинг БХК моддалари билан боғлиқлигини ва ўсимликлар биохилмахиллигини сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишда икки муҳим шартномани қиёсий таҳлил қиламиз.

Халқаро битим 7 қисм, 35 модда ва 2 илонадан иборат. Ўсимликлар генетик ресурслари (ЎГР) бўйича халқаро битим ва БХК асосий қоидаларининг қиёсий таҳлили 2.1-жадвалда келтирилган. Битим матнида агробиохилма-хиллик соҳасидаги фаолиятнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган, аввалги “норасмий” Битимнинг ижобий тажрибаси ҳисобга олинган ва унга қўшилган томонларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари қайд этилган. Бизнингча қуйидагилар улар орасида энг асосийлари: III-қисм – Фермерлар ҳуқуқлари; IV-қисм – Фойдаланишнинг кўп томонлама тизими ва даромадни тақсимлаш; V-қисм, 15-модда, Маслаҳат гуруҳининг Халқаро марказларида сақланаётган *ex situ* коллекциялар ҳақида; VI-қисм – Молиявий қоидалар, шунингдек, I-илова – Кўп томонлама ҳамкорлик тизимига қирадиган экинлар рўйхати.

ХБ мақсади – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ўсимликлар генетик ресурсларини сақлаш ва улардан барқарор фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини барқарор юритиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун Биохилма-хиллик тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ улардан фойдаланишдан тушган даромадни адолатли ҳамда тенг тақсимлашдан иборат.

Ҳар қандай халқаро битим сингари ФАО Халқаро битимининг 2-қисмида томонларнинг миллий қонунчилик, маъмурий фармойиш ва тавсиялар билан тасдиқланиши шарт бўлган мажбуриятлари кўзда тутилган. Ушбу қонунчиликка биноан Битимга аъзо ҳар бир давлат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ўсимликлар генетик ресурсларини тўплаш, сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммоларига комплекс ёндашиш учун шароит яратиб бериши лозим, яъни: ўз мамлакатларида ўсимликлар генетик ресурсларини тадқиқ этиш ва ҳисобга олиш; йўқолиш арафасида турган ёки фойдали ўсимликлар генетик ресурслари ва уларга тааллуқли ахборотни тўплаш тадбирларига кўмаклашиш; зарур ҳолларда фермерлар ва маҳаллий жамоаларга ЎГРдан оқилона фойдаланиш ва сақлашга қаратилган ёрдам кўрсатиш; туб ва маҳаллий аҳоли томонидан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалигини юритиш сифатида фойдаланиладиган маданийлаштирилган ўсимликларнинг ёввойи турлари ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни *in situ* шароитида сақлашга кўмаклашиш.

Шунингдек, ўсимликлар генетик ресурсларини хужжатлаштириш, баҳолаш ва кўпайтиришга тегишли равишда эътибор қаратган ҳолда, уларни *ex situ* шароитида сақлашнинг самарали ва оқилона тизимини яратиш борасида ҳамкорликдаги ишларни амалга ошириш, ушбу вазифаларга мос келадиган технологияларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш; ЎТГР коллекцияларининг яшовчанлиги, ўзгарувчанлиги ва генетик барқарорлигини мониторинг қилиш ва бошқалар.

Юқоридаги таҳлилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ўсимликлар хилма-хиллигига бу тарзда комплекс ёндашув мамлакатлар зиммасига ўз генетик ресурсларини *ex situ* ва *in situ* шароитида сақлаш учун шароит яратган ҳолда, уларни нафақат жавобгарлик, балки оқилона фойдаланиш учун уларни хужжатлаштиришни таъминлаш вазифасини юклайди. Бу эса, ўз навбатида, илмий базани ривожлантириш ва зарур малакали кадрлар тайёрлашга ёрдам беради. Бироқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ўсимликлар генетик ресурсларини сақлашга интеграциялашган ҳолда ёндашиш учун, биринчи навбатда, ҳар бир мамлакатга мос, агробioxилма-хилликдан барқарор фойдаланишни таъминлайдиган сиёсат, стратегия ва ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро битимнинг III-қисмига “Фермерлар ҳуқуқлари”нинг киритилиши ривожланаётган дунё мамлакатларининг катта сиёсий ютуғи бўлди. Мазкур қисмнинг асосий моддалари кўплаб жиҳатлар бўйича муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, бу модда БХКнинг биохилма-хилликни *in situ* шароитида сақлаш устуворлиги тўғрисидаги талабларига тўлиқ жавоб беради. Иккинчидан, БХКнинг “ривожланиш учун биохилма-хиллик” сиёсий декларациясига мос келади, учинчидан, БХКнинг асосий талаби – биохилма-хилликдан фойдаланиш ва ундан тушган даромадни адолатли тақсимлаш талабига жавоб беради. “Фермерлар ҳуқуқлари”ни эътироф этган жаҳон ҳамжамияти уларнинг дунёдаги биохилмахилликни сақлашга қўшаётган ҳиссасини ҳам тан олди.

Шундай қилиб, маҳаллий ҳамжамиятлар ва ижтимоий гуруҳлар томонидан ўз агробioxилма-хиллиги устидан кафолатли назорат ўрнатиши ХБга мувофиқ фермерларнинг халқаро даражадаги ҳуқуқларга эришиши ҳисобланади. Бу агробioxилма-хилликни тўғри белгилаш ва тартибга солиш, ўсимликлар ресурсларидан фойдаланишдан тенг даромад олиш, хўжалик юритишнинг услубларини ривожлантириш ҳамда яхшилаш, маҳаллий ҳамжамиятлар фаровонлигини ошириш ва шу тариқа, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Учинчи дунё фермерлари ҳуқуқларининг эътироф этилиши самарасида қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, яъни, ер ва ўз генетик ресурсларига, маҳаллий хилма-хилликни сақлашга қаратилган қарорларни қабул қилишда иштирок этиш, ўсимлик материалдан фойдаланиш билан боғлиқ анъанавий билимларни ҳимоя қилиш ва улардан тижорат фаолиятида фойдаланганлик учун компенсация олиш ҳуқуқларининг тан олиншига эришилди.

Халқаро битимда фермерлар ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши кўрсатилган бўлсада, бизнингча, таҳлиллардан аён бўлдики, ушбу ҳуқуқларга риоя этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, анъанавий билимларни ҳимоя қилишни тартибга солиш ва ҳаётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш, даромадни тенг тақсимлаш, маҳаллий жамоалар, туб аҳоли ва фермерларни агробioxилма-хилликни сақлаш ҳамда ундан оқилоан фойдаланишни таъминлаш учун қонун ижодкорлиги фаолиятига жалб этишга йиллар талаб этилади.

Мамлакатлар ўртасида уларнинг ўз ресурслари учун суверен ҳуқуқларига мувофиқ фойдаланиши тўғрисидаги икки томонлама ўзаро муносабатларни белгилайдиган Халқаро битимнинг IV-қисмида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ўсимликлар генетик ресурсларидан фойдаланиш, улардан тижорат мақсадида фойдаланишдан тушган даромадни тақсимлаш бўйича кўп томонлама халқаро ҳамкорлик белгиланган.

Битимнинг 3-моддасида озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги учун барча ўсимликлар генетик ресурсларига нисбатан жорий этилиши қайд этилган.

Аммо, бу Кўп томонлама ҳамкорлик тизими ўтган йиллар мобайнида ФАОнинг Халқаро битимига (1983) асосан эркин фойдаланилган барча экинларни қамраб олишини англамайди. Кўп томонлама тизимга ХБнинг 1-иловасида қайд этилган ўсимликлар генетик ресурслари, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 35 экин ва уларнинг ёввойи турлари ҳамда озуқа ўсимликларининг 29 тури киради, холос. Мутахассислар бу рўйхатга жаҳон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур экинларнинг 85 фоизи киришини ҳисоблаб чиқди.

Экинлар рўйхати диққат билан кўриб чиқилганда, бу рўйхат анча қисқалиги ва унга ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан муҳим бўлган кўплаб қишлоқ хўжалиги экинлари – ерёнғоқ, шакар қамиш, соя, кўплаб сабзавотлар (помидор, пиёз, бодринг ва бошқалар), мевалар ва бошқа экинлар киритилмагани ҳақидаги ҳолатни эътиборни тортади. Бу мазкур экинлардан Кўп томонлама ҳамкорлик тизими доирасида эркин фойдаланиб бўлмаслигини англатади. Улардан фойдаланиш БХК қоидалари билан, яъни улар ўсадиган ва олувчи/фойдаланувчи мамлакат ўртасидаги икки томонлама асосда тартибга солинади. Бу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкинки, рўйхатга қанчалик кўп экин киритилган бўлса, тизимда уларни сақлаш учун шунча кўп маблағ ва ўсимликларнинг биохилма-хиллиги рўйхатини тасдиқлайдиган мамлакатларнинг миллий қонунчилигига ўзгартишлар киритишни талаб этади.

Юқорида қайд этилган барча шартлар Ўзаро келишаётган томонлар *ex situ* шароитида сақлаётган ўсимликлар генетик ресурсларига тааллуқлидир. Бироқ таъкидлангидек, Кўп томонлама ҳамкорлик тизими 1-иловадаги экинлар рўйхатига мувофиқ *ex situ* шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган ўсимликлар хилма-хиллигини ҳам қамраб олади. Генетик ресурсларнинг ушбу тоифасидан миллий қонунчиликка, қонунчилик бўлмаган тақдирда ХБ Раҳбар органи томонидан ўрнатилиши мумкин бўлган қоидаларга биноан фойдаланилади.

Кўп томонлама ҳамкорлик тизими фаолият юритиши ва барча манфаатдор томонларни ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш механизмлари билан таъминлаши учун мамлакатларга БХК (15-модда) ва унга мувофиқлаштирилган ХБ (12,4-модда) талаб этганидек, “Материал бериш тўғрисида”ги шартнома асосида фойдаланиши белгиланади. Бундай шартнома стандарт бўлиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ўсимликлар генетик ресурсларидан фойдаланиш шартларини, шунингдек, улардан фойдаланишдан тушган даромадни тенг тақсимлаш тўғрисидаги низомни ҳисобга олиши зарур.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, кўп томонлама ҳамкорлик тизими катта афзалликларга эга, яъни: мамлакатлар учун кўпроқ генетик хилма-хилликларга эга бўлиш; генетик ресурсларни яхшироқ сақлашга ёрдам берадиган билимлар, ахборот билан эркин алмашиш ва технологиялардан мунтазам фойдаланиш; долзарб муаммоларни биргаликда кенг муҳокама этиш ва агробιοхилма-хилликдан фойдаланишни тартибга соладиган умумий сиёсат масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш учун халқаро платформа яратиш; катта миқдордаги генетик ресурслардан фойдаланиш туфайли дунёда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни сезиларли равишда оширишга кўмаклашади; биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан экологик фалокатлар ёки бошқа офатлар рўй берган тақдирда экотизимларни қайта тиклашга ёрдам беради.

ХБда (13-модда) юқорида қайд этилганлардан ташқари ўсимликлар ресурсларидан, хусусан, тижорат мақсадида фойдаланишдан тизим доирасида олинган моддий даромадни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш кўзда тутилган. Даромад адолатли ва тенг асосда тақсимланади.

ЎГР соҳасида миллий дастурларни амалга ошириш учун салоҳият ва имкониятлар яратиш ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлар учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ўсимликлар хилма-хиллигидан фойдаланишдан олинган даромадни тақсимлашнинг бундай шакли ихтисослаштирилган институтлар ва лабораторияларни ташкил этиш ҳамда жиҳозлаш.

Шунингдек, ЎГР муаммолари бўйича миллий илмий кадрлар тайёрлаш учун ўқув курслари ёки дастурларни ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ўсимликлар генетик ресурсларини сақлаш ва улардан барқарор фойдаланиш учун шароит яратиш мақсадида турли лойиҳаларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси турли хил бўлган мамлакатлар ўртасида қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш ва бошқаларни кўзда тутати.

Кўп томонлама ҳамкорлик тизими доирасида даромадни тақисмлашда ўсимликлар агробіохилма-хиллигидан тижорат мақсадида фойдаланишдан олинган пулли даромад алоҳида ўрин тутати. Тижорат маҳсулоти КТХдаги генетик материал асосида селекция йўли билан олинган бўлса ва кейинчалик бошқа селекция ва илмий дастурларда чекловчиз фойдаланилса, тўловни ихтиёрий равишда тўлаш мумкин бўлади. Демак, Кўп томонлама ҳамкорлик тизимига тўланадиган пул шаклидаги компенсация ва тўловлар асосан хусусий компаниялар ва саноати ривожланган мамлакатлар томонидан амалга оширилади.

Юқорида таҳлиллардан аён бўлдики, ФАОнинг Кўп томонлама ҳамкорлик тизими озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида олинган даромадни адолатли тақсимлаш учун ўсимликлар генетик ресурсларидан эркин фойдаланиш асосидир. Даромадни тақисмлаш механизми, технологиялар, ахборот, стандарт МБШ матнини тақдим этиш ва тизимнинг бошқа масалалари ХБга қўшилган давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан белгиланади ҳамда ҳал этилади. Бундай давлатлар сони эса тизим самарадорлигига қараб кўпайиб бораверади.

Адабиётлар

1. Virchow D., Anishetty M. Regional Collaboration to Conserve Crop Genetic Resources II Efficient Conservation of Crop Genetic Diversity. Theoretical Approaches and Empirical Studies. Berlin: Springer, 2003. P.231-247.
2. Weaver J. Conference Told: Genetic Resources More Important than Arms for National Security// Diversity. 1987. № 11. P. 17.
3. WIPO/GRTKF/IC/2/3, Second Session. Geneva, 2001.
4. Witt S.C. World and I: Germplasm. A Chronicle of Our Changing Era II The Washington Times Corporation. 1986. № 7. P. 240-245.
5. World Development Report, Knowledge for Development. World Bank. 1999. №4. P. 16.